

TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 31 (14,134) 3 АВГУСТ, ПАЙШАНБА 2023 йил

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



vtto.uz



vtto_uz@mail.ru



@Toshkent_oqshomi



Toshkent oqshomi



Toshkent Oqshomi_24



АНОНС



АЛВИДО, ҲОФИЗ!



ЭЛЕКТРОН
САМОКАТЛАР



БИЗ БИЛМАГАН
ЖАРИМАЛАР

НАВБАТДАГИ AIRBUS A320 NEO ҲАВО КЕМАСИ ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ

“Uzbekistan Airways” авиакомпаниясининг ҳаво кемалари сафига яна янги Airbus A320 neo русумли ҳаво кемаси қўшилди. Ушбу ҳаво кема ўн тўққизинчиси бўлди.

Анъанага кўра, янги ҳаво кемаси Тошкент аэропортида сув аркаси билан кутиб олинди. Шунингдек, бугунги кунда Airbus A320 neo ўз синфидаги энг яхши ўрта масофали ҳаво кемаси ҳисобланиб, барча хавфсизлик ва ишончлилик талабларига жавоб беради. Бундан ташқари, аввалги авлод ҳаво кемаларига қараганда 15 фоиз тежамкор, карбонад ангидрид чиқариши эса халқаро стандартларга мувофиқ меъёрдан 50 фоиз камроқ ҳамда ушбу ҳаво кемаси 186 йўловчини ташиш учун мўлжалланган экан.

“Uzairways” авиакомпаниясининг маълум қилишича, авиақатновларга талаб юқори ва бу пайтда ҳаво кемалари уларга ҳозирданок вақтни самарали режалаштириш, янги йўналишларни очиш масалаларини ҳал қилишда катта ёрдам беради. Шунингдек, авиакомпания паркида 30 дан ортиқ Boeing ва Airbus самолётлари, жумладан, икита A-330 ва Ўзбекистон бўйлаб парвозларни амалга ошириш учун Чехия ишлаб чиқарувчисидан сотиб олинган, қисқа масофага парвоз қилувчи L410 ҳаво кемалари мавжуд.

– Умумий ҳисобда, жорий йил охирига қадар биз ушбу турдаги бешта ҳаво кемасини қабул қилиб олишни режалаштирганмиз, – дейди “Uzbekistan Airways” АЖ бошқарув раиси Шухрат Худайкулов. – Бугун эса иккинчисини кутиб олмоқдамиз, биринчиси 16 июнь куни Ўзбекистонга етиб келган эди ва дарҳол парвозлар жадвалига киритилиб, халқаро ва маҳаллий йўналишларда парвозларни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда.

Дилнурса МАМАСАФОЕВА тайёрлади



“РАҲБАР ВА ЁШЛАР” МИЛЛИЙ ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси томонидан ташкил этилган уч кунлик “Раҳбар ва ёшлар” 1-миллий форуми Жиззах вилоятида ўтказилди. Унда Республикаимизнинг барча ҳудудларидан 5 нафардан 30 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этишди.

Ушбу форумнинг дастлабки кунинда барча иштирокчилар муносиб кутиб олиниб, мезбон вилоятнинг маданий ва тарихий жойлари бўйлаб саёҳат ташкил этилди. Унда ўз даврининг етук сиёсатчиси бўлган раҳбар – Шароф Рашидовнинг музейи ҳамда атоқли адиб Ҳамид Олимжон ва шоира Зулфия тарихига, ўша даврдаги асори-атиқалар, ижодкорларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзловчи музей экспонатлари кўздан кечирилди. Шу билан бирга Жиззахнинг муқаддас қадамжоларидан бири Ғаллаорол тумани ҳудудига жойлашган Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳида бўлиб, Моворауннаҳрга ислом динини олиб киришда пайғамбаримизнинг қўшинларига саркардалиқ қилган, тарихий шахс ҳақидаги ривоятларни диққат ва катта эътибор билан тингладилар. Музей экспонатлари, муқаддас қадамжолардан катта таассуротлар билан қайтган ёшларга иккинчи кун учун тайёргарлик кўриш, гуруҳларга белгиланган топшириқларни келишиб олиш учун вақт ажратилди.

Форумнинг иккинчи кунини ҳам қизиқарли воқеаларга бой бўлди. Эрта тонгда Жиззах футбол академияси залида жамланган ёшларга энг аввало соҳага оид жуда кўп маълумот мутахассислар томонидан тақдим этилди. Шунингдек, Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси масъуллари, ҳудудий бошқармалар бошлиқлари ҳам сўзга чиқиб, “Ҳудудлардан олинган маълумотларнинг мувофиқлаштирилиши”, “Ёш кадрларнинг ташкилотдаги ўрни”, “Билимли ёшлар – кадастр келажаги” каби мавзуларда бир қанча керакли маълумотлар тақдим этди.

Шундан сўнг гуруҳлар ўз номлари, логотипи ва сардорларини эълон қилиб, гуруҳларга бўлинди. Жамоалар ўзаро баҳслашиш учун Жиззах шаҳрининг “Ўрда боғи”га ташриф буюриб, у ерда спортнинг шахмат-шашка, стол тенниси ва миллий ўйинларимиздан арқон тортиш мусобақаларида қатнашиб муносиб ўринларни эгаллаш шарафига эришди. Шунингдек, жамоага бўлинган ёшлар форумдан кутилаётган мақсад, соҳадаги муаммолар ва соҳа мутахассислари олдида бир қанча таклиф ҳамда ғоялари билан иштирок этди. Шуни алоҳида айтиш жоизки, ёшлар томонидан таклиф қилинган бир қанча ғоялари, муаммоларга ечимлар орасида кўриб чиқишга, соҳага татбиқ этишга муносиблари кўп бўлди.

Форумнинг якуний кунинда иштирокчилар вилоятнинг Зомин туманига йўл олди ва у ерда ҳайъат аъзоларининг жамоаларга берган баҳолари эълон қилиниб, энг илғор ва шижоатли ёшлар тақдирланиб, уларга ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар ҳамда фахрий ёрлиқлар топширилди.

Зафар НАЗАРОВ тайёрлади

МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТСИЗЛИК ВАРАҚАЛАРИНИ ОЛИШДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ҳар биримиз фаолиятимиз давомида йилига лоақал бир ёки икки марта бўлса-да меҳнатга лаёқатсизлик варақасини олиб, иш жойимизга топширамыз. Бу тизим маълум муддатда соғлиғимизни тиклаш билан бир қаторда нега ишга чиқмаганлигимиз учун ҳуқуқий асос ва у орқали тўлаб бериладиган маълум маблағ биз учун моддий кўмак вазифасини бажаради.

Хўш, меҳнат қонунчилигига кўра, бетоб бўлиб қолган шахсларга қачондан бошлаб меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилиши мумкин ва бу касаллик варақасини қайси тиббий муассасалар бериш ваколатига эга? Дейлик, тез тиббий ёрдам хизмати ёхуд санаторий шифокорлари касаллик варақаси бера оладими? Мавзу юзасидан ўринли саволлар бисёр.

Биз ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида Адлия вазирлиги масъул ходими Тургунбой Азимовдан маълумот олдик:

– Ходимларга меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини тайинлаш бўйича алоҳида йўриқнома тасдиқланган бўлиб, мазкур йўриқномага асосан, меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ходимларнинг касаллигини тасдиқлаш, уларнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлигини тасдиқлаш, агар аёл киши бўладиган бўлса, унинг ҳомиладорлиги, фарзанд дунёга келтиргани ёки ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлган ҳолатини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, шахсларга меҳнатга лаёқатсизлик маълумотлари берилиши мумкин. Булар – талабаларга, магистрантларга илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимларига катта илмий изланувчиларга берилади. Кўпгина фуқаролар томонидан мурожаатлар келиб тушади ва уларда: “Меҳнатга лаёқатсизлик варақалари фақатгина давлат соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан берилиши шартми?” деб сўралади. Йўриқномага асосан касаллик варақаси хусусий тиббиёт муассасалари томонидан ҳам берилиши мумкин. Фақат бунинг учун йўриқномада белгиланган талабларга жавоб бериши керак бўлади. Шундагина хусусий тиббий муассасалар томонидан ҳам тақдим этилиши мумкин. Бу меҳнатга лаёқатсизлик варақалари расмийлаштирилганда бир нафар ходимни беш кунгача бўлган муддатга ходимни ишдан озод этишга асос ҳисобланади. Шу беш кун ўтганда агар ходим тузалмаган бўлса, у ҳолда тиббиёт муассасаси бош шифокорининг рухсати билан яна беш кунга чўзилиши мумкин бўлади. Максимал муддат 4 ойгача ҳисобланади. Агар ходимнинг иш стажини 8 йилдан кам бўлса, унга иш ҳақидан 60 фоиз миқдорида лаёқатсизлик нафақаси тўланади. Агар 8 йил ва ундан ортиқ иш стажига эга бўлса, 80 фоиз миқдорида тайинланади. Бунда 100 фоиз тўланадиган ҳолатлар ҳам бор. Бунда агар ходим ижтимоий аҳамиятга эга касаллик билан оғирган бўлса 100 фоиз миқдорда нафақа тўланади.

Дарҳақиқат, эндиликда хусусий клиникалар ҳам меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини беришга ҳақли. Бунда муассаса шахсининг меҳнатга вақтинча лаёқатсизлигини экспертиза қилиш бўйича етарли малакали ходимга эга бўлиши шарт. Олис ҳудудларда яшовчи юртдошларимиз учун ҳам бу борада имконият бор. Агар у ердаги даволаш-профилактика муассасаларида битта даволовчи шифокор фаолият юритган тақдирда у бир ойгача муддатга меҳнатга лаёқатсизлик варақасини бериши мумкин.

Кўпчиликни қизиқтираётган яна бир савол – бу қайси тиббиёт ташкилотларига касаллик варақасини бериш ваколати берилмаган? Тез тиббий ёрдам хизмати шифохоналарининг қабул бўлимлари, суд тиббий экспертиза муассасалари, пансионат, санаторий, курортлар ҳамда физиотерапия даволаш, жисмоний тарбия ва спорт тиббиёт ихтисосликлари бўйича тиббий муассасаларга меҳнатга лаёқатсизлик варақасини бериш тақиқланади. Сил касалликлари санаторийлари эса бундан мустасно.

Яна бир янгилик: эндиликда ягона портал орқали меҳнатга лаёқатсизлик варақалари маълумотномаларни олиш имконияти яратилаётган экан. Демакки, тизим такомиллашиб бормоқда.





ЭЛЕКТРОН САМОКАТЛАР

Юртимиз бўйлаб, хусусан, Тошкент шаҳрида электрон скутер ва самокатлардан фойдаланувчилар кўпайиб бормоқда. Биламизки Ўзбекистонда биринчи онлайн кикшеринг (электр самокатларни ижарага бериш) хизмати 2022 йил апрель ойида ишга туширилган.

Барчага маълум Тошкент катта шаҳар бўлиб, аҳолиси бўйича Марказий Осиёдаги энг йирик қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланади. Шундай экан, инсонлар учун унчалик узоқ бўлмаган, аммо яқин ҳам бўлмаган масофаларга боришда электр самокатлар анчагина қулай ва ҳамёнбоп. Бироқ бундай имкониятдан яхши фойдалана олмаймизми? Ушбу кичик транспорт воситасидан фойдаланиш бўйича қўлланма билан ҳамма ҳам танишми?

Келинг аввало, ундан фойдаланиш тартиби билан танишсак:

- Электр самокатлардан фойдаланиш учун махсус иловани ўрнатасиз;
- Рақамингизни киритасиз ва сизга тасдиқлаш коди жўнатилади;
- Сўнг фойдаланиш тартиби ва қоидалар мавжуд ойналар кетма-кетлиги очилади;
- Сиз уларни ўқиганингиздан сўнг тасдиқлайсиз ва кейинги босқичга ўтилади;
- Картангизни киритасиз.

Сўнг фойдаланувчиларнинг хавфсизлиги таъминланган ҳолда ҳайдаш мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган ҳудудлар харитасини кўрасиз. Тўлиқроқ қилиб айтишда бўлса, автомобиллар қатнови тез, йўловчилар кўп ва шунга ўхшаш ҳолатлар бўлмаган жойларда фойдаланишингиз мумкин бўлади. Хавфсизлик чоралари қандай? Барбиров ҳеч ким кўрмайдику, дейсизми? Жавоби оддий. Барчаси сиз рўйхатдан ўтган илова админининг назорати остида. Бу дегани қоидаларга амал қилиш ёки қилмаслик, сизнинг қўлингизда, аммо хавфсизлик масаласини ҳам унутманг!

Ҳар қандай транспорт воситаси сингари, электр самокатлар ўзларининг афзалликлари ва камчиликларига эга.

Хўш, афзалликлари қандай?

- Ҳудуд жиҳатдан катта бўлган жойда ҳаракатланиш учун анчагина қулай;
- велосипед ҳайдаганимиз каби оёқларни кўп ҳаракатлантirmаймиз;
- уни ҳайдаш учун ўрганиш керак эмас, яъни велосипед ҳайдашни ўрганиш каби;
- автомобилга нисбатан нархи арзон;
- шахсий автомобилларга муқобил восита бўлганлиги сабабли тирбандликни камайтиради;
- экологик тоза транспорт;
- 16 ёшдан кичик бўлганлар ижарага ололмайди;



Камчиликлари:

- Самокатларнинг автомобиль йўлидаги бетартиб ҳаракати ҳайдовчиларда стрессни келтириб чиқаради;
- пиёдалар йўлагига кимўзарга ўйнаш қариялар, болалар ва ногиронлар учун хавф туғдиради;
- қурилмадан бир вақтда бир неча киши фойдаланиши;
- электр самокатларнинг йўлларда бетартиб қолдириб кетилиши пиёда ва автомобиллар ҳаракатига салбий таъсир кўрсатади;
- вояга етмаганлар ва маст ҳолдаги кишиларнинг электр самокатларни ижарага олиши.

Статистик маълумотларга кўра, Италияда сўнгги икки йил ичида электр самокатлар иштирокида рўй берган йўл транспорт ҳодисалари оқибатида 17 киши вафот этган.

Францияда эса 2022 йилда электр самокатлар 27 кишининг ҳаётига зомин бўлган. Хусусан, Парижда 3 киши ҳаётдан кўз юмган ва 459 киши жароҳатланган.

Шубоис хорижий мамлакатларнинг ҳукуматлари қурилмалардан фойдаланишни тартибга солишга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни кўрмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг апрель ойида Парижда ўтказилган референдумда иштирок этганларнинг 90 фоизи ушбу транспорт воситаларини тақиқлаш тарафдори эканлигини билдирган.

Японияда электр самокатда давлат рақами ва ён ойналари бўлиши керак, шунингдек, уларнинг пиёдалар йўлагига ҳаракатланиши ҳам тақиқланган.

Россияда 2023 йилдан электр самокатлардан фойдаланувчиларнинг юк ва бошқа йўловчиларни ташиши тақиқланди.

Бу борада Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти (МХТИ) мутахассислари қуйидагиларни илгари суришмоқда:

- Йўл ҳаракати қоидаларига “электр самокат” тушунчасини киритиш ва улардан фойдаланишнинг тартибини белгилаш;
- пиёдалар серкатнов ҳудудларда тезликни автоматик пасайтириш технологиясини қўллаш;
- қурилмадан бир вақтнинг ўзида икки кишининг фойдаланиши, шунингдек, маст ҳолатда бошқаришнинг олдини олиш механизминини ишлаб чиқиш;
- қурилмалардан фойдаланишда ёш чегарасини жорий этиш (Face-ID технологиясидан фойдаланиш);
- электр самокатларни тунда ижарага олишни чеклаш;
- электр самокатлар турадиган махсус жойларни ташкил этиш.

Ўзбекистонда амалдаги йўл ҳаракати қоидаларига “электр самокат” тушунчаси киритилмаган. Мазкур қурилмаларни қулай шаҳар транспорти сифатида ривожлантириш учун қонунчиликни такомиллаштириш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Барча нарсани ўз тартиби ва меъёри бўлгани каби сиз-у биз ҳам мана шу қоидаларга риоя қилиб, атрофимиздагиларга зарар бермайлик.

Дилнурса МАМАСАФОВЕВА
тайёрлади

БИЗ БИЛМАГАН

ЖАРИМАЛАР




– Тўйга 200 кишидан ортиқ одамни таклиф қилганлик учун жарима белгилангани ҳақидаги гап-сўзлар тарқалган эди. Бунинг учун жарима мавжудми?

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги қўшма қарорига кўра, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар фақат бир кун (дафн этиш маросими бундан мустасно) соат 06:00 ва 23:00 оралиғида ўтказилади. Худудларнинг шариоитларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан ош бериш маросимининг вақти алоҳида белгиланади. Соат 23:00 дан кейин тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни давом эттиришга йўл қўйилмайди. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда 200 нафаргача, мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимида 250 нафаргача киши қатнашади. Қўшалоқ тўйларда 250 нафаргача, у билан боғлиқ ош бериш маросимида 300 нафаргача киши қатнашиши мумкин. Дафн этиш ва мотам маросимлари кўпи билан уч кун мобайнида чекланмаган миқдордаги фуқаролар иштирокида ўтказилиши мумкин, ош бериш маросими бундан мустасно. Низомга амал қилмаслик Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 1921-моддаси “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш тартибига доир талабларга риоя этмаслик”қа асосан фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари (3.300.000 сўм) миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Тўйхоналар, кафе ва ресторанларнинг мансабдор шахси томонидан тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш тартибига доир талабларга риоя этмаслик, – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари (9.900.000 сўм) миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари (16.500.000 сўм) миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Биз светофорнинг қизил чироғига амал қилмаслик, электр токидан ноқонуний фойдаланганлик учун тайинланган жарималарни кўп эшитганмиз ва биламиз. Бироқ мамлакатимизда шундай жарималар ҳам борки, улардан кўпчилигимиз беҳабармиз. Мисол учун пиёдалар ўтиш йўлаги мавжуд бўлмаган жойдан кесиб ўтиш базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисми миқдорида жарима белгиланишига сабаб бўлади.

Шу каби кўплаб фуқаролар беҳабар бироқ, жарима тайинланган қоидалар ҳақида батафсил маълумот олиш учун “CRIM-LAW” Адвокатли бюроси адвокати **Бобур ЭШБОЕВ** билан суҳбатлашдик.



– Айрим мамлакатларда жамоат жойларида тупуриш учун ҳам жазо тайинланган экан. Шаҳримиз кўчаларида эса бемалол ахлат ташлаб кетилаётганини тез-тез учратиш мумкин. Бу ҳолат учун жарима тайинланганми?

– Ҳа, албатта! Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 161-моддаси “Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш”, шаҳарлар ва

бошқа аҳоли пунктларининг худудларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш, шунингдек, тозалик ва санитария тартибини таъминлаш қоидаларига риоя қилмаслик – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача (330.000 сўмдан 990.000 сўмгача), мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача (990.000 сўмдан 1.650.000 сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Шунингдек, 123-моддаси транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш, поездларнинг вагонлари, автотранспорт воситалари ва шаҳар йўловчилар транспортдан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш – базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми (165.000 сўм) миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.



– Баъзан мулоқот қилаётганда қизишиб кимдирни сўкиб ёки ҳақорат қилиб юборишимиз мумкин. Бунинг учун жаримага тортилишимиз мумкинми?

– Бу тўғрисида ҳам Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавоб-гарлик тўғрисидаги кодексининг 41-моддасида тўхталиб ўтилган. Унга кўра: ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қobiliятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. Ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳам келтириб ўтилган.



– Икки-уч ой аввал, энди эр аёлига қаттиқ гапирса ҳам жаримага тортилар экан, деган гап-сўзлар тарқалди. Ушбу ҳолат учун жавобгарлик мавжудми?

– Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 592-моддаси: Оилавий (маиший) зўравонлик хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқни амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек, ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларни, қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиш қўйиш, башарти жиноят аломатлари, шунингдек, ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликлар аломатлари мавжуд бўлмаса – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. Хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахсни



– Маҳаллаларда машиналар секин юриши учун оддий фуқаролар томонидан сунъий тўсиқлар ўрнатилади (лежачий полицейский). Бунинг учун жарима мавжудми?


– Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 147-моддаси: Йўлларга, темир йўлдан ўтиш жойларига, йўл ҳаракатини тартибга солишчи бошқа иншоотлар ёки техник воситаларга шикаст етказиш, шунингдек, йўл ҳаракатига қасддан, шу жумладан йўл қопламасини ифлослантириш йўли билан ҳалал бериш, худди шунингдек, автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазий, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек, йўлларни сақлаш қоидаларини бузиш – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида, мансабдор шахсларга эса – ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.



– Кўпчилик автомобилни маст ҳолда бошқариш жавобгарликка сабаб бўлишини билади бироқ, велосипед ва шунга ўхшаш транспорт воситаларини нур қайтарувчи воситаларсиз спиртли маҳсулотларни ичган ҳолда ҳам бошқараверади. Бунинг учун қандай жавобгарлик тайинланган?

– Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 138-модда: Пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши:

Мопед, велосипед ҳайдовчисининг, уловли аравани бошқариб боровчи шахснинг алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда йўл ҳаракати қоидаларини бузиши – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.



Daryo

– Ички ишлар органлари ходимлари, ҳарбий хизматчилар ва шу каби ходимлар хизмат формаларини оддий фуқароларнинг қурилиш ишлари ва бошқа жойларда кийиб юрганига тез-тез кўзимиз тушади. Бунинг учун қандай жавобгарлик мавжуд?

– Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 2091-моддасига кўра, формали кийим-бош кийиб юриши назарда тутилган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳарбий хизматчилари ҳамда ходимларининг

тасдиқланган намунадаги ҳарбий, идоравий ва махсус формали кийим-бошини бундай ҳуқуққа эга бўлмаган шахслар томонидан кийиб юриш – формали кийим-бошни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Дунё мамлакатларидаги ғайриоддий тақиқлар

Туркменистонда аёллар машина ҳайдаши, уларнинг олд ўриндиққа ўтириши тақиқлангани ҳақидаги гаплар асосланмаган бўлса-да мавжуд. Қолаверса, бу мамлакатда аёлларнинг тор кийим кийиши, киприк ёки тирноқ ўстириши, пластик операциялар қилдириши тақиқлангани ҳақида ҳам миш-мишлар бор.

Италия қонунчилигига кўра, мамлакат аҳолиси ва сайёҳлар сифати паст маҳсулотларни сотиб олиши тақиқланади. Бундан ташқари, Турин шаҳри аҳолиси кунига камида уч маротаба итларини сайрга олиб чиқишмаса жаримага тортиладилар. Леричи шаҳрида эса аҳоли ва сайёҳларга сочиқни қуришти учун деразаларга илиб қўйиш тақиқланади. АҚШнинг Миннесота штатида эса ифлос шиналарда ҳаракатланганлик учун 2000 долларгача жарима мавжуд. Бельгияда энг антика жарималардан бири мавжуд бўлиб, ушбу мамлакатда қорбўрон ўйнаш тақиқланган. Қор отиш тош отишга тенглаштирилган. Данияда сиз фарзандларингизга исм бериш учун фақатгина 18000 га яқин аёл ва 15000 га яқин эркак исмларидангина фойдаланишингиз мумкин.



– Марказий кўчалар ва хиёбонларда тиланчилик қилаётганлар кўпайиб бормоқда. Ушбу ҳолат учун қандай жарима мавжуд?

– Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 1883-модда: Тиланчилик қилиш, аэропортларда, вокзалларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, бозорларда ва савдо мажмуалари ҳудудларида, шунингдек, уларга туташ ҳудудларда, автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида, кўчаларда, стадионларда, бекатларда, йўлларнинг қатнов қисмида, моддий маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларда, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шугулланиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Вояга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, руҳий ҳолати бузилган, ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шунингдек, шахсларга алкоғолли ичимликларни ёхуд гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 1271-модда. Тиланчилик қилиш.

Аэропортларда, вокзалларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, бозорларда ва савдо мажмуалари ҳудудларида, шунингдек, уларга туташ ҳудудларда, автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида, кўчаларда, стадионларда, бекатларда, йўлларнинг қатнов қисмида, моддий маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларда, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шугулланиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса – икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, руҳий ҳолати бузилган, ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шунингдек, шахсларга алкоғолли ичимликларни ёхуд гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса – базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олти соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;
- бошқа шахсни гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга мажбурлаган ҳолда содир этилган бўлса – уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



Вазира ЮНУСОВА:

“ҲАММАГА БИРДЕК ЁҚИБ БЎЛМАЙДИ!”

Вазира Юнусова! Ўзбек Миллий академик драма театрининг актрисаси. Шу билан бирга кинода ҳам ўзига хос образлари билан мухлислар меҳрини қозонган.

Машҳурлик

— Адашмасам, бундан йигирма йиллар муқаддам “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” кўрсатуви жуда машҳур эди. Ўша пайтларда мени кўрсатув режиссёри Мираббос Мирзааҳмедов кутилмаганда бош ролга таклиф қилди. Ишонинг, ушбу дастурда битта эпизодда бўлса ҳам ўйнасам бўлди, дерди кўп актёрлар. Шу маънода мен ҳам бирданига бош қаҳрамонни ўйнашни тасаввур қилмаган эдим. Хуллас, дастур доирасида видеофильм суратга олинди ва эфирга узатилди. Ишонасизми, бир кечада мени халқ таниди. Турмуш ўртоғим билан бозорга чиққандик, ишонасизми, одамлар ортимдан юрган. “Яхши ўйнабсиз, нега бўш келдингиз, сизни яхши кўриб қолдик”, деган мухлисларнинг муносабатини эшитдим. Биласизми, актриса учун бу жуда катта бахт! Ҳозир сериаллар, теленовеллалар роса кўп. Экранда деярли ҳар куни янги қиёфалар бор! Лекин ўша пайтдаги томошабинларнинг эмоциялари, илиқ фикрлари, сизга нисбатан ҳурмат кўрсатишлари... Менимча йўқ! Шу маънода мен ўзимни томошабиннинг самимий муносабатига эришганман ва ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.



Яна нолдан бошладим...

— Одамлар мени таний бошладим, театрда ижодим ҳам бир маромда кетаётган пайтда мен танаффус эълон қилдим. Оилавий муносабатларим шуни тақозо этди. 9-қаватда яшар эдик. Уй ишлари, қайнона хизмати, болалар тарбияси билан овора бўлганимдан биринчи қаватга тушмаган эканман. Тасаввур қилинг мен фақат ўзимнинг олаимда қолиб кетгандим. Йиллар ўтганини сезмай қолибман. Ишга қайтдим! Театрда ўзимни топа олмаётганга ўхшардим. Худдики, мени ажратиб қўйишгандек эди... Аслида ҳаммаси рисоладагидек! Лекин менга шундай туюлмасди. Роса жамоага киришиб кетишим қийин бўлди. Мен тушундимки, ҳаммасини бошидан бошлаш керак. Ижод

шундай соҳа, келган жойидан давом эттириб кета олмайсиз. Мен олдимга мақсад қўйдим ва ҳаммасини яна нолдан бошладим! Нолдан бошлашнинг меҳнатини жуда кўп санъаткорлар яхши билади. Шу маънода мен навбатдаги туғруқ таътилига кетганимга қадар ишладим. Сабаби, яна йилларга ютқазиб қўйишдан қўрқдим. Фарзандим туғилганидан кейин ҳам кўп ўтирмадим, ижодга қайтдим.

Кинода катта ролга эҳтиёжим бор

— Кино — бу ўз номи билан кино! Санъат йўлини танлаган ижодкор борки, кинотасмаларга ижоди муҳрланишини истайди. Мен ёшлигимда киноларда туша олмадим. Лекин менинг ҳам орзуларим бор эди ўша пайтларда... Аммо насиб қилмади. Лекин умид бор! Тўғри, сўнги 5-6 йил оралиғида профессионал режиссёрларнинг катта фильмларида кичкина бўлса ҳам ролларим бор. Шу ўринда ўша кичкина ролларимни эслаб қолган мухлисларга раҳмат айтаман. Барибир юракдаги тинч қўймайди-да, насиб қилса кинода ёшимга, ўзимга ярашадиган катта ролдан умидворман.



Майдонни кимларга бериб қўйдик?

— Баъзида хафа бўлиб кетаман... Биласиз, ҳозир суратга олиш ишлари жуда кўп. Деярли ҳар бир телеканалда теленовеллалар, сериаллар кетма-кет суратга олинапти. Бу яхши, аммо бу жараён бизнинг касбимизга баъзида салбий таъсир ўтказаяпти. Кўчада хоним сотиб ўтиргани ҳам ўзини актриса, деб эълон қилаяпти. Узруку, биз бу соҳани нонини еишимиз учун йиллар давомида институтда таҳсил олдик, театрни чангини ялаб, ижод қилдик. Яна қанча устозлардан ўргандик, ҳамон изланамиз. Битта бетайин режиссёрнинг сериалида кўриниб ўзини “ижодкордек” ҳис қилаётганларни кўрсам юрагим оғрийди. Ижроси майли, ўйнасин, аммо феъли, ўзини тутиши ҳам ачинарли. Санъаткорнинг маданиятига тўғри келмайдиганлари одамни ғашига тегади. Лекин бир ҳолатга шукр қиламан, яхши ҳам улар театрда ишолмайди. Саҳнанинг меҳнати оғир. Уни ҳамма ҳам кўтара олмайди.



Театр

— Менинг асосий ишим — саҳнада! Биласиз, санъаткор халқнинг хизматидаги одам. Баъзида спектакллар билан хизматлар тўғри келиб қолади. Шунда иккиланмасдан спектаклда қоламан. Нимага? Чунки, театрда аталган алоҳида меҳрим бор. Тўғри, майда-чуйда гаплар бор, саҳна ортидаги “ҳаёт”нинг ўзига хос оғирликлари бор... Шунга қарамай театрни севаман! Насиб, Ўзбек Миллий академик драма театрининг саҳнасида ҳали кўп ролларим билан мухлисларни хурсанд қиламан!



Мени ҳамма тан олиши шарт эмас

— Партнёр, дублёр бизнинг қисматимизда бор! Ижодда бўлади-ку, ҳаётда жинингиз тўғри келмайдиган актёр, актриса билан саҳнада, экранда ишлашга тўғри келади. Мен ўша пайтда ҳар қанча қийналсам ҳам ролдан чиқмайман, ўз ишимни масъулият билан бажараман, атрофдагиларга сездирмайман. Лекин менга “баъзилар” сездириб қўяди. Тортишмайман, ортиқча гапирмайман. Шунчаки, ҳаммасини вақтнинг измига қўяман. Мени ҳамма яхши кўриши, тан олиши шарт эмас, худди мен ҳам ҳаммага бирдек ёқмаганим каби...

Ажаб сирлар борлиги субҳи сабода

АЛВИДО, ҲОФИЗ!

Инсон умри яшалган йиллар билан эмас қилинган амаллар билан ўлчанади, деган гапни сиз ҳам эшитгансиз. Яна бу майдон ичра турмоқ осон эмас, деган ибора ҳам қулоғингизга чалинган бўлса керак. Умри давомида касбу коридан барака, ҳурмат топган, бу майдонда ҳамisha мардонавор турган, САНЪАТКОР деган мақомга муносиб турган, элнинг азиз фарзанди, чин инсон Нуриддин Ҳамроқулов афсуски бугун орамизда йўқ...

1 август... Сешанбанинг энг совуқ хабарларидан бири тарқалди. Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов вафот этди... Ҳақиқига дуо қилиб, хаёлан бу инсоннинг ижодига шўнғиб кетамиз.

У пайтлар бугунгидек медиа олами ривожланмаганди. Аммо кўлида тори, доираси билан ашула айтаман дегани, бугунгидан кам эмас эди. Нуриддин Ҳамроқулов ўзининг истеъдоди, интилувчанлиги билан минглаб ҳаваскорлар орасидан профессионал санъаткорга айланди. Бу йўлни санъаткор осон босиб ўтмади. У ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзининг инсоний ақидаларига содиқ қолди. Ҳофизнинг "Самарқанд ушшоғи", "Тошкент ироғи" каби кўплаб мумтоз ашулалардан тортиб, "Оламини асранг", "Раъно", "Сой кўрдим", "Ширинлигинг", "Кулди баҳорим", "Турналар", "Ажаб сирлар", "Наргиз" каби лирик қўшиқлари ўзбек санъатининг олтин хазинасидан жой олган!



1967 йили эса Нуриддин Ҳамроқулов Йўлдош Охунбобоев номидаги Андижон вилоят мусиқали драма ва комедия театрига ишга келади. Буюк санъаткор Аббос Бакиров эса бу театрға раҳбарлик қиларди. Йўналиши тақозосига кўра эса театрда биринчи навбатда мусиқий спектаклларга эътибор бериларди. Театрда эса 35 яқин кишилик яхшигина симфоник оркестри созандалари бўлган. Айнан шу театр саҳнасида "Нурхон"да Ҳайдар, "Равшан ва Зулхумор"да Равшан, "Ошиқ Ғариб"да Ошиқ, "Фарҳод ва Ширин"да Фарҳод каби бош қаҳрамонлар образини ижро этади.

1980 йилда Нуриддин Ҳамроқулов "Наргиз" ансамблини ташкил қилади. Ва шу ўринда "Наргиз" гуруҳи таркибида ёзилган қўшиқларда биринчи марта ўзбек мусиқасига электрогитара ва синтезаторларни олиб киради. Айнан ўша даврларда синтезатор ва электрогитара орқали қўшиқларни телевидение орқали чиқариш учун рухсат йўқ эди. Ва ниҳоят 1981 йилда лирик қўшиқларнинг ичида биринчи марта синтезатор ва электрогитарага рухсат берилади.

Ўзининг ҳам мусиқий, ҳам шеърый, ҳам ижро нуқтаи-назаридан мукаммал асарлари билан мухлислар меҳрини қозонган Нуриддин Ҳамроқулов 1980 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист", 1987 йилда "Ўзбекистон халқ артисти" унвонларига сазовор бўлади. 2020 йилда эса ҳукуратимиз устоз санъаткорни "Дўстлик" ордени билан тақдирлади.

Нуриддин Ҳамроқулов 1945 йилнинг 18 июнида Андижон шаҳрида таваллуд топган. Отаси Қўчқорбой ака ва онаси Назокатхон аянинг олти фарзандидан бири Нуриддин Ҳамроқулов эди. Андижондаги ҳунар-техника билим юртида ўқиш чоғида тор чалиб, қўшиқ куйлашни устози Турсунбой Қодировдан ўрганган. У пайтларда кўчадаги симёғочларга ўрнатилган радиокарнайлардан куй-қўшиқлар, хабарлар, қишлоқ хўжалик ходимлари учун концертлар бериб туриларди. Бўлажак санъаткор шу концертлардан Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Ҳалима Носирова, Таваккал Қодиров, Фахриддин Умаров, Орифхон Ҳотамов каби устозларнинг қўшиқларини эшитиб, уларга меҳр кўяди. Қаҳрамонимизнинг рубобда илк ўрганган мусиқаси Муҳаммаджон Мирзаевнинг "Дилдор" куйи бўлган. Сўнгра маданият уйида ишлаб юрган кезлари эса, Алижон Эркаевнинг "Ҳайрон айладинг" ва "Шаҳлоларинг" қўшиқларини ўрганган. Соҳани профессионал ўрганиш истагида 1971-1973 йиллар давомида Тошкент театр ва рассомлик санъат институтида таҳсил олади.

1963 йили Нуриддин Ҳамроқулов поездга ўтириб, Тошкентдаги Республика телевидениесига келади. Эшик қоровулининг ёрдамида Нуриддин "Оға" исмли киши билан танишади. У соат 18.00га телевидениега келишини айтади. Ўшанда телевидение орқали "Ҳайрон айладинг" ва "Шаҳлоларинг" қўшиқларини ижро этиб, эртасига Андижонда машҳур бўлиб кетади.



Гулбаҳор ЭРҚУЛОВА,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

– Икки кун аввал негадир Нуриддин ака ҳаёлимдан ўтди. Кейин эски расмларни томоша қилдим, "чилла чиқсин бир бориб йўқлаб келаман", дедим ўзимга-ўзим. Кутилмаганда халқ хизматиға кетаётганимда ҳамкасбим Аҳмаджон ака Дадаев "Гулбаҳор Нуриддин ака ўтиб қолибдилар", деди. Турган жойимда қотиб қолдим. Кўзларим ёшга тўлди...

Нуриддин акага сингилдек эдим... Мени "Баҳорой" дерди. Каттаман демасдан, ўзи қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрарди. "Хоразм сегоҳи"ни, "Суввора"ни, "Феруз"ни яхши айтибсан, овозингга тушибди", деганида кўнглим тоғдек кўтарилган эди. Нуриддин аканинг нафақат санъати балки оиласи ҳам гўзал эди, ҳавас қилгулик эди. Фарзандлари ниҳоятда тарбияли. Устоз ўзбек халқига ҳалол хизмат қилди. Аксар мухлислар Нуриддин Ҳамроқуловни хонанда сифатида билади. Лекин устоз театрда ҳам сермахсул ижод қилган, саҳнада қатор образларни ижро этган. Бундай ҳофизлар ҳар доим ҳам туғилавермайди... Афсус, яна бир дўст, яна бир яхши устоздан айрилдик. Оиласига сабр тилайман. Устознинг охиратлари обод бўлсин!

E'OLON

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI
AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI
VA ALOQA HARBIY INSTITUTI 2023-2024 O'QUV YILI
UCHUN BO'SH O'QITUVCHILIK LAVOZIMLARGA,
KAFEDRA PROFESSOR, DOTSENT, KATTA
O'QITUVCHI VA O'QITUVCHILAR LAVOZIMLARINI
EGALLASH UCHUN TANLOV E'OLON QILADI.

E'lon qilingan lavozimlar:

Malaka oshirish fakulteti

Katta o'qituvchi (aloqachi mutaxassisligi) 6-o'rin
O'qituvchi (aloqachi mutaxassisligi) 1-o'rin

Tarmoq va axborot tizimlari xavfsizligi kafedrası

Professor (kiberxavfsizlik mutaxassisligi) 1-o'rin

Axborot texnologiyalari va dasturiy injinering kafedrası

Professor (IT mutaxassisligi) 2-o'rin
Dotsent (IT mutaxassisligi) 2-o'rin

Axborotlarni kriptografik himoyalash va maxsus aloqa kafedrası

Professor (maxsus aloqa mutaxassisligi) 1-o'rin
Dotsent (maxsus aloqa mutaxassisligi) 1-o'rin

Taktika, umumqo'shin tayyorgarligi va gumanitar fanlar kafedrası

Gumanitar fanlar sikli

Professor (tarbiyaviy va gumanitar fanlar mutaxassis) 1-o'rin
Dotsent (tarbiyaviy va gumanitar fanlar mutaxassis) 1-o'rin
O'qituvchi (ingliz, fors tili) 3-o'rin

Jismoniy tayyorgarlik va sport sikli

Katta o'qituvchi (jismoniy tayyorgarlik va sport mutaxassisligi) 1-o'rin
O'qituvchi (jismoniy tayyorgarlik va sport mutaxassisligi) 1-o'rin

Taktika, umumqo'shin tayyorgarligi sikli

O'qituvchi (harbiy topografiya) 1-o'rin

Telekommunikatsiya kafedrası

O'qituvchi (aloqachi mutaxassisligi) 2-o'rin

Radiokommunikatsiya kafedrası

O'qituvchi (aloqachi mutaxassisligi radio yo'nalishi) 2-o'rin

Radioelektron razvedka va kurash kafedrası

Professor (radioelektron razvedka mutaxassisligi) 2-o'rin
Dotsent (radioelektron kurash mutaxassisligi) 2-o'rin

Maxsus-taktik tayyorgarlik kafedrası

O'qituvchi (aloqachi mutaxassisligi) 2-o'rin

HHM zenit – raketa qo'shinlari kafedrası

Dotsent-o'qituvchi (zenit-raketa qo'shinlari mutaxassisligi) 1-o'rin
O'qituvchi (zenit-raketa qo'shinlari mutaxassisligi) 1-o'rin

HHM radiotexnika qo'shinlari kafedrası

O'qituvchi (radiotexnik qo'shinlar mutaxassisligi) 1-o'rin

Intellectual tizimlar kafedrası

Dotsent (IT mutaxassisligi) 1-o'rin

Tanlovda qatnashish uchun ariza e'lon chiqqan kundan boshlab bir oydan kechikmay berilishi kerak.

Tanlovda qatnashishni xohlovchilar quyidagi hujjatlarni taqdim qiladilar:

oliy ta'lim muassasasi boshlig'i nomiga ariza;

kadrlarni hisobga olish bo'yicha shaxsiy varaqa;

oliy ma'lumot to'g'risidagi diplomlar nusxasi.

qatnashuvchilarda ilmiy daraja (shu jumladan, fan nomzodi, tegishli mutaxassislik bo'yicha xorijiy mamlakatlarning falsafa doktori (PhD) darajasiga yoki unga tenglashtirilgan boshqa ilmiy darajalariga), ilmiy unvon, shuningdek, ilmiy ishlar va ixtirolar mavjud bo'lgan taqdirda ular tegishli diplomlar, ilmiy ishlar ro'yxatini, malaka oshirish to'g'risidagi guvohnomalarni taqdim etishlari lozim.

Manzil: Toshkent viloyati, Zangiota tumani, Quyoshli aholi punkti.

Ma'lumot uchun telefonlar: 99870-202-71-08. 99870-202-71- 59.

MV AKT va AHI rahbariyati

POYTAXTIMIZDA
AHOLI SONI

Bugungi kunda yurtimizda aholining soni va uning o'sish sur'atlari uzluksiz ravishda ortmoqda.

Toshkent shahar Statistika boshqarmasining ma'lumotiga ko'ra, poytaxtimizda doimiy aholi soni 2023-yil 1-iyul holatiga ko'ra 2 million 999 ming 500 kishini tashkil etmoqda. Shundan:

erkaklar soni 1 million 471 ming 700 kishini, ayollar soni 1 million 527 ming 800 kishini tashkil etdi.

Toshkent shahar Statistika boshqarmasi

ЧИЗИН ЧАҚИШИ
ОРҚАЛИ ҚАНДАЙ
КАСАЛЛИКЛАР ЮҚАДИ?

Табиатда ёгингарчиликнинг кўп бўлиши чивинларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Хавотир уйғотадиган яна бир жиҳати шуки, иқлим ўзгариши туфайли энди вирус ташувчилар аввал бўлмаган мамлакат, минтақаларда ҳам кўп учрамоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2023-2024 йилларда вирусли тропик касалликлар денге ва чикунгуя иситмалари ҳамда Зика вируси билан касалланиш ҳолатлари кўпайиши ҳақида огоҳлантирди. Бу хасталикларнинг барчаси одамларга чивинлар чақиши орқали юқиши кузатилади.

Бундан ташқари, чивин чақиши орқали безгак касаллиги ҳам юқади. Безгак ташувчи чивинлар Anopheles турига мансуб бўлиб, туриб қолган ёки секин оқувчи тоза сув ҳавзасида кўпаяди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, 2018 йили Ўзбекистон Республикаси ЖССТнинг маҳаллий безгакдан холи давлат сертификатини олган. Бироқ, ҳозирги кунда республикаимиз ҳудудида аҳоли миграцияси ортанлиги ва безгакнинг бошқа давлатлардан туристлар, хорижий талабалар, бизнесменлар ва бошқалар орқали келтирилиши, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида касаллик ташувчиларининг мавжудлиги, иқлим ўзгаришлари, безгак чивинларининг инсектицидларга барқарорлиги сабабли безгакнинг тарқалиш хавфи сақланиб қолмоқда.

Чивин орқали юқадиган касалликлар тарқалиши олдини олишнинг энг осон йўли чивин чақишига йўл қўймаслик. ЖССТ тананинг кўп қисмини қоплайдиган очиқ рангли узун кийим кийиш, чивинга қарши восита қўллаш ва деразага чивиндан ҳимоя қилувчи тўр ўрнатилган хонада ухлашни тавсия этади.

Чет элга кетувчилар қуйидагиларни эсда тутишлари зарур:

– Чет элга кетиш учун давлатни танлаганингизда, саёҳатни ташкил этувчи туристик фирмалардан ушбу мамлакатларда безгак касаллиги хавфи бор-йўқлиги тўғрисида маълумот олинг;

– махсус кимёпрофилактика учун дори препаратлари ва уларни қабул қилиш схемаси тўғрисида шифокордан маслаҳат олинг;

– безгак тарқалган давлатга борганингизда, репеллентлардан (чивинларни чўчитувчи моддалар) фойдаланинг, уларни тананинг очиқ жойларига, кийимларингизга сепинг;

– ойна ва эшикларни тўр ёки дока билан беркитинг;

– хонага аэрозоль кўринишдаги инсектицидлар билан ишлов беринг.

Шуни ёдда тутиш зарур, безгак билан анча кеч муддатда ҳам касалланиш мумкин, ҳаттоки кимёпрофилактика ўтказилган ҳолда ҳам. Шунинг учун иситма билан кечувчи ҳар қандай касаллик ҳолатларида, тропик иқлими давлатлардан келган бўлсангиз, иситмангиз кўтарилса, албатта поликлиникага мурожаат қилиб, безгакка лаборатор текширувдан ўтинг.

TOSHKENT OQSHOMI

Манзил: 100029,
Ташкент шаҳри, Махтумқули
кўчаси, 49

Телефонлар:
Қабулхона (71) 233 61 10
Реклама (71) 233 28 95

2007 йил 19 январда Ташкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бoshqarmasida
02-001-рақами билан рўйхатга олинган

“NISO POLIGRAF”
МЧЖ босмахонаси.

Нашр учун масъул
З. НАЗАРОВ

Топшириш вақти 00:55
Топширилди 05:00
Буюртма -



МУАССИС:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Севдо НИЁЗОВА

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди.
Газетада босилган мақолалар учун муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқ қилиши мумкин. “Тошкент оқишом” материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта
Чирчиқ тумани, “Машғал”
маҳалласи, Марказий кўчаси, 1-уй

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет
усулида босилди. Адади 500
нуса, қозғ бичими А3

Газета тахририят
компьютер марказида
саҳифаланди

